

**“ШАРҒУН КЎМИР” АЖ акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁННОМАСИдан КЎЧИРМА**

2024 йил 26 апрел Соат 16-00

**Шарғун шаҳри,
А.Икромов кучаси 50-уй**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи
акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони:

7 029 420 дона

Шундан Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган
акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари эга бўлган овозларнинг сони: **7 019
474 дона**

Санок комиссияси раиси А.А.Ғаниев сўзга чиқиб, жамиятнинг умумий
овоз берувчи акциялар сони **7 029 420 дона** эканлигини, шундан умумий
йиғилишда қатнашиш учун **7 019 474 дона** акцияларнинг эгалари рўйхатдан
ўтиб, ушбу йиғилишда иштирок этаётганлигини, бу акциялар умумий
сонининг **99,86** фоизини ташкил этишини ва акциядорларнинг умумий
йиғилишини ваколатли деб топиш учун кворум мавжудлигини маълум қилди.

Амалдаги қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ кузатув кенгаши
раиси Р.П.Юсупов акциядорларнинг умумий йиғилишига раислик қилди.

Йиғилиш раиси Р.П.Юсупов кворум мавжудлигини эътиборга олиб,
акциядорларнинг умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва умумий
йиғилиш раёсатига 3 кишини яъни, Р.П.Юсупов, М.А.Азизкулов,
Ж.Ю.Шойматовларни сайлашни таклиф қилди.

Раёсат аъзолари бир овоздан тасдиқланди. Йиғилиш котиблигига
Х.А.Ташкулов сайланди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият санок комиссиясининг миқдорий ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш;
3. Жамиятнинг Янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги ПҚ-329 сонли қарор ижросини таъминлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги 1-масала бўйича, Жамият акциядорларнинг умумий
йиғилиши санок комиссияси таркибига Б.С.Нормаматов, М.Р.Хурсанова ва
А.А.Ғаниевларнинг номзодлари тавсия этилганлигини ва акциядорларнинг
умумий йиғилиши кун тартибидаги ушбу масалалар Жамиятга шахсан
иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг



вакилларидан ушбу учта номзодлардан иборат санок комиссиясини сайлаш тўғрисида таклифини маъқуллашди. Ушбу номзодларни тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакилларининг **жами овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – 7 019 474 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала бўйича қўйидаги

Қарор қабул қилинди :

1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши санок комиссияси, Б.С.Нормаматов, М.Р.Хурсанова ва А.А.Ғаниевлардан иборат таркиби тасдиқлансин.

Кун тартибидаги 2-масала бўйича, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакиллари таништирилган ва акциядорлар умумий йиғилишининг қўйидаги регламентини тасдиқлаш учун овозга қўйилган:

Кун тартибидаги барча масалалар буйича маърузачига 2 дақиқа, қўшимча савол ва жавоблар учун 2 дақиқа.

Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ва ёки уларнинг вакилларининг **жами овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – 7 019 474 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала бўйича қўйидаги

Қарор қабул қилинди :

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламенти тасдиқлансин.

2. Сўзга чиққан маърузачига 2 дақиқа, қўшимча савол ва жавоблар учун 2 дақиқа вақт берилиши тасдиқлансин.

Кун тартибидаги 3 масала юзасидан, “Шарғункўмир” АЖ бош директорининг иқтисод ва молия бўйича ўринбосари Ж.Ю. Шойматов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.01.2017 йилдаги ПҚ-2727-сонли қарорига асосан ““Шарғункўмир” акциядорлик жамиятини модернизация қилиш ва лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб олишга етказиш” инвестиция лойиҳасидоирасидаги ер ости кўмир қазиб чиқариш ускуналарини ўрнатиш ҳамда ер усти бинолари қурилиш ишлари тўлиқ яқунланиб, ушбу лойиҳани Ишчи комиссиясига ҳамда Давлат комиссиясига топшириш ишларига тайёргарлик кўрилмоқда. Шу билан биргаликда ““Шарғункўмир” акциядорлик жамиятининг модернизация

SHARFUNKUMIR
AKTSIADORLIK JAMIYATI
ASLIGA
KOTIB

20 у

лойихасини амалга ошириш доирасида янги ускуналарни ишлатиш бўйича махсус отряд сифатида жалб қилинган Хитойнинг “АМІКАМ INTERNATIONAL GROUP CO., LIMITED” компанияси билан ҳамкорликда янги механизатциялашган усулда кўмир қазиб чиқариш ҳамда қазиб чиқарилган кўмир маҳсулотини юклаб истеъмолчи корхоналарга етказиб бериш ишларини тўлиқ ташкил этиш учун “Шарғункўмир” АЖ таркибида қуйидаги янги участкалар ташкил этиш зарурияти мавжуд:

- 10 штольня кўмирни қабул қилиш ва юклаш участкаси;
- Энерго-механика таъмир хизмати ва профилактика ишлари участкаси;
- Марказий электромеханика устахонаси участкаси.

“Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш ва лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб олишга етказиш” инвестиция лойиҳаси ишга туширилгач ҳозирги кунда ишлаб турган очик усулда кўмир қазиб чиқариш участкалари ҳамда Қуйи технологик мажмуада жойлашган “Кўмир қабул қилиш ва кўмир ёқилғисини юклаш” участкасини ёпиш ҳамда юқоридаги участкаларни ушбу участкалар негизида очиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Аммо, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан 2024 йилда кўмир қазиб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш режаси 1 100 минг тонна (шундан: 900 минг тонна – янги лойиҳа ҳисобидан; 200 минг тонна – мавжуд участкалар ҳисобидан) этиб белгиланганлиги сабабли ушбу участкаларни ёпиш масаласи яна бир йил муддатга қолдирилди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда янги участкалар очилиши муносабати билан жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини кўриб чиқиш сўралади. **“Шарғункўмир” АЖнинг тасдиқланган амалдаги штатлар жадвали ва ташкилий тузилмаси илова қилинади.**

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.


Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ёки уларнинг вакилларининг **жами овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – 7 019 474 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги учинчи масала бўйича қуйидаги

Қарор қабул қилинди :

Жамият ижроия органига:



Кун тартибидаги 4 масала юзасидан, “Шарғункўмир” АЖ бош директорининг иктисод ва молия бўйича ўринбосари Ж.Ю. Шойматов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.10.2023 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-329-сонли Қарорининг 1-илоvasи 25-бандида берилган топшириқ ижроси бўйича, яъни ““Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш ва лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб олишга етказиш” лойиҳасини амалга ошириш учун Хитой Халқ Республикаси Эксимбанкнинг “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ орқали қайта молиялаштирилган кредити бўйича барча мажбуриятларни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖдан “Шарғункўмир” АЖга ўтказиш ҳамда Кредит мажбуриятлари бажарилиши юзасидан берилган давлат кафолатини қайта расмийлаштириш топшириғи берилган.

Ушбу масала юзасидан сўралган барча ҳужжатлар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ га тақдим қилинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.10.2023й даги ПҚ-329-сонли Қарорининг ижроси бўйича ““Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш ва лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб олишга етказиш” лойиҳасини амалга ошириш учун Хитой Халқ Республикаси Эксимбанкнинг “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ орқали қайта молиялаштирилган кредити бўйича барча мажбуриятларни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖдан “Шарғункўмир” АЖга ўтказиш, кредит мажбуриятлари бажарилиши юзасидан берилган давлат кафолатини қайта расмийлаштириш бўйича рухсат беришни сўради.

Кун тартибидаги ушбу масала акциядорлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан Жамиятга шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар ёки уларнинг вакилларининг **жами овоз бериш натижалари:**


Тарафдорлар – 7 019 474 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди :

3. “Ўзбекистон Республикаси темир йўл соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-329-сонли Қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

4. **Жамият ижроия органига:**

“Ўзбекистон Республикаси темир йўл соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-329-сонли Қарорининг 1-илоvasи



25-бандида берилган топшириқ ижроси бўйича, яъни ““Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш ва лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб олишга етказиш” лойиҳасини амалга ошириш учун Хитой Халқ Республикаси Эксимбанкнинг “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ орқали қайта молиялаштирилган кредити бўйича барча мажбуриятларни “Ўзбекистон темир йуллари” АЖдан “Шарғункўмир” АЖга ўтказишга рухсат берилсин.

Баённома тузилган ва имзоланган сана “ 2 ” май 2024 йил

